# АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ (2000-2010 йиллар)

**З.А.ТЕМИРОВ, Ғ.УМАРОВ**

*В статье анализируются географические особенности внешно-экономических связей Андижанской области*

*The article deals with the geographical peculiarities of the external economic relations of the Andijan region.*

– Мамлакатнинг иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши ва халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлиши энг аввало рақобатбардошли, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга боғлиқ. Мамлакатни модернизациялаш шароитида ички ва ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантириб бориш нафақат республикада, балки Андижон вилоятида ҳам катта аҳамиятга эга. Андижон вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда ташқи иқтисодий алоқалар катта ўрин тутади. Бу эса уни иқтисодий ва ижтимоий географик жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Таҳлил қилинаётган даврда вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқалари ҳажми ва географияси ўсди. Жумладан, вилоят ташқи иқтисодий алоқалари ташқи савдо айланмаси 2000 йилда 372 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 2,1 млрд. АҚШ долларига, ёки 5,6 баробарга ошган. Ҳозирги кунда Андижон вилояти республикамизнинг барча вилоятлари ва жаҳоннинг 78 мамлакатлари билан турли йўналишларда иқтисодий алоқалар олиб бормоқда. Вилоятнинг экспорт салоҳияти 2010 йилда 636,3 млн. АҚШ доллари, импорт салоҳияти эса 1,46 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди.

Вилоят ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт салоҳияти:




Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2010 йилларда вилоят ташқи савдо айланмасида тадрижий ўсиш кузатилди. Вилоят экспортида 2000 йилдан 2007 йилгача ўсиш, 2008-2009 йилларда камайиш кузатилади. Ўтган 2010 йилда эса яна ўсиш кузатилди. Шунингдек, импорт салоҳияти йил сайин ўсиб борган. Вилоят экспорт ва импорт салоҳиятида 2000 йилда экспорт 34%га, 2007 йилда 57,4%га тенг бўлди. 2008 йилдан бошлаб яна экспорт салмоғи камайиб, 2009 йилда 22,2%ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 30,3%ни ташкил этди. Шунга мос равишда импорт ҳажми ҳам ўзгариб борди.

Вилоятнинг иқтисодий алоқа олиб борувчи мамлакатлари географияси йил сайин кенгайиб борди. Жумладан, 2000 йилда вилоят жами 42 мамлакат билан иқтисодий алоқани амалга оширган бўлса, 2010 йилда ушбу давлатлар сони 78 тага етди. Шулардан 32 таси иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, вилоятнинг ташқи иқтисодий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

Вилоят асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланган Россия Федерацияси, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Туркия, Украина каби давлатларга экспорт қилади. Экспорт бўйича энг асосий давлат Россия бўлиб, вилоят экспортининг 77 % и ушбу давлат ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўринларни Хитой (8,5 %), Қозоғистон (3,8 %) ва Украина (2,7 %) давлатлари эгаллайди. Импорт бўйича асосий савдо ҳамкорлари Корея Республикаси, Россия, Хитой, Чехия, Сингапур, Италия, Индонезия ва бошқа мамлакатлардир. Импорт бўйича етакчи ўринда Корея Республикаси туради, импорт маҳсулотларининг 84,6 % и шу давлатга тўғри келади. Кейинги ўринларни Саудия Арабистони (5,3%), Хитой (2,7%) каби мамлакатлар банд этади. Умуман олганда, вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳозирда жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатларига жўнатилади. Вилоят жаҳоннинг 23 дан ортиқ мамлакатидан турли хил маҳсулотлар импорт қилмоқда. Экспорт маҳсулотларининг 86.6 % и МДҲ га ва 13,4 % и бошқа жаҳон мамлакатларига тўғри келса-да, импорт маҳсулотларининг атиги 6 % и МДХ давлатларидан сотиб олинмоқда. Қолган 94 % и жаҳоннинг бошқа мамлакатларига тўғри келади.

Вилоятнинг асосий экспорт маҳсулотлари тар-

кибида автомобиллар, пахта толаси, кимёвий маҳсулотлар, рангли металлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари катта ўрин тутади. Экспорт маҳсулотлари ичида автомобиллар асосий ўринни эгаллайди. 2010 йилда автомобиллар вилоят экспорт маҳсулотларининг 80 % дан ортиғини ташкил этди. Кейинги ўринда пахта толаси бўлиб, жами экспорт маҳсулотларини 7.2 % ини ташкил этган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоят экспортидаги асосий икки маҳсулот салмоғи орасида ҳам ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, 2000 йилда вилоят экспортида автомобиллар 47%ини, пахта толаси 33% ни, озиқ-овқат маҳсулотлари 8 % ва бошқа турдаги маҳсулотлар 10% ни ташкил этган. Кейинги йилларда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши натижасида экспорт маҳсулотлари ичида унинг ҳиссаси ортиб борди. Пахта толасининг экспорт ҳажми қисқармагани ҳолда, унинг салмоғи автомобиль экспорт ҳажмининг ортиб бориши ҳисобига қисқариб борди.

Вилоят импортида асосий ўринни машина ва асбоб-ускуналар эгаллайди. Ушбу маҳсулот тури вилоят импорт маҳсулотлари орасида 2000 йилда 58 % ни ташкил этган бўлса, ўтган 2010 йилда 80 % ни ташкил этди. Бошқа маҳсулотлар орасида қора металлургия маҳсулотларининг ҳиссаси ортиб борганини кузатиш мумкин. Қора металлургия маҳсулотлари 2000 йилда импорт маҳсулотларининг 2%ини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу маҳсулот ҳиссаси 7 % ни ташкил этди. Бу ҳолатни, албатта, вилоятда саноатни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва “GM Uzbekistan” ЁАЖнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Вилоят экспорт ва импортида асосий савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатларнинг маҳсулот турлари бўйича иштироки турлича. Вилоят пахта толаси, асосан, Эрон, Хитой, Туркия, Украина, Гонгконгга экспорт қилинади. Шуни айтиш керакки, пахта экспорт қилувчи асосий мамлакат Хитой бўлиб, унга пахта хом ашёси экспортининг 67 % и тўғри келади.

Маълумки, Андижон вилояти республиканинг автомобиль саноати маркази ҳисобланади. Вилоятда ишлаб чиқарилган автомобиллар асосан Россия, Қозоғистон, Украина, Туркманистон, Молдова, Қирғизистон, Ҳиндистон, Грузия, Белоруссия, Афғонистон, Арманистон, Жазоир, Озарбайжон каби мамлакатларга эскпорт қилинади. Ушбу мамлакатлар ичида асосий ўринни Россия эгаллаб, автомобилларнинг 89% ини ҳарид қилган.

Бундан ташқари, вилоятда жаҳоннинг кўплаб давлатларига турли хилдаги хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, Қозоғистон, Корея Республикаси, Россия, Украина, Туркия ва бошқа давлатларга турли хил хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Андижон вилояти импорт маҳсулотларида асосий ўринда машина ва асбоб ускуналар, қора металлар, турли кимёвий маҳсулотлар туради. Вилоятга машина ва механизмлар Корея Республикаси, Сингапур, Хитой, Италия ва бошқа жами 45 мамлакатдан келтирилади.

Қора металлар, асосан, Виржиния ороллари, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлардан келтирилади. Энг кўп Россия ва Корея Республикасидан келтирилиб, уларнинг улуши 95 % ни ташкил этади.

Вилоятда чет эл сармоялари асосида ишловчи жами 91 та корхона рўйхатга олинган бўлиб, шундан ҳозирда 83 таси фаолият кўрсатмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг муҳим ва самарали йўлларидан бири хорижий мамлакатлар билан қўшма корхоналар қуришдир. Қўшма корхоналар ташкил этиш ишчи кучи кўп бўлган Андижон вилоятида алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра вилоятда қатор ишлар амалга оширилди. Вилоятда аҳоли бандлигини оширишда муҳим ўрин тутадиган қўшма корхоналар сони йил сайин ортиб борди. Хусусан, 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 122,3 % га ўсиш кузатилди. Умумий экспорт ҳажми 543,4 млн АҚШ долларни ташкил этди. Бу эса вилоятдаги умумий экспортнинг 37 % ини ташкил этади.

Вилоятда 83 та қўшма корхона, 8447 та кичик ва хусусий корхоналар мавжуд. Вилоятдаги қўшма корхоналар бутун ялпи саноат маҳсулотининг 53 фоизидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Ўрта Осиёда ягона автомобилсозлик “GM Uzbekistan” компанияси Асака шаҳрида жойлашган. Италиянинг “Ака-ука Федеричи” АЖ билан ҳамкорликда барпо этилган Ўзбек-Италия “ФАМ” қўшма корхонаси соатига турига қараб 1-1,5 тонна макарон ишлаб чиқариш қувватга эга. Шаҳрихон туманидаги Сегазақум қишлоғида калава ип тайёрлайдиган ва келгусида ундан газлама тўқийдиган “АНТЕКС” очиқ турдаги АЖ барпо этилди (1999 йил ишга туширилган).

Шунингдек, вилоятда ривожланган мамлакатларнинг сармоялари жалб қилинган “Андижон-Прага”, “Андижон дурдонаси”, “Навигул”, “Ўз-Корамко”, Ўзбек-Рус-Британия “МАСК”, “Ал-Осиё” қўшма корхоналари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда фаолият олиб бораётган кўплаб саноат корхоналарининг хорижий мамлакатларда ҳам ваколатхоналари ташкил этилган. Жумладан, Россия, Литва, Қирғизистон, Хитой, Украина ва Италия каби мамлакатларда жами 40 дан

ортиқ ваколатхоналар фаолият олиб бормоқда. Ушбу давлатларга халқ истеъмол моллари, текстиль, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда тикувчилик маҳсулотлари етказиб берилади.

Ҳорижий мамлакатлар билан қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши меҳнат ресурсларига бой вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасида сезиларли натижалар берди, бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиши лозим.

Андижон вилояти ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланишига қуйидаги географик хусусиятлар ўзига хос таъсир кўрсатади:

– аҳоли сонининг нисбатан кўплиги ва жуда зичлиги. Вилоят аҳоли зичлиги бўйича Республикада биринчи ўринда туради, яъни унинг 1 км$^2$ га салкам 600 киши тўғри келмоқда;

– аҳоли сони ва меҳнат ресурсларининг нисбатан тез ўсаётгани (бу эса бандлик муаммосининг кучайиши, озиқ-овқат ва турли эҳтиёжларини ортиб боришига олиб келади);

– ер ва сув ресурсларининг чеклангани (вилоят республика майдонининг бор-йўғи 1% ини ташкил этади холос, янги ерларни ўзлаштириш имконияти йўқ);

– ишлаб чиқариш, ижтимоий бозор инфраструктураси объектларининг нисбатан юқори даражада ривожлангани ва “Буюк ипак йўли”да жойлашгани.

Андижон вилоятида ташқи савдони ривожлантиришдаги муҳим муаммолардан бири экспорт-импорт товарлар таркибининг ўзгариб боришидир. Вилоят ташқи савдо айланмасида экспорт салмоғини ошириб бориш лозим. Жумладан, 2008 йилда вилоят ташқи савдо айланмасида экспорт салмоғи қарийб 40 % ни ташкил этган. Ўтган 2010 йилда эса бу кўрсатгич 30 % га тушиб қолган.

Экспорт маҳсулотлари жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқарилиб, “харидор”лар географиясини тобора кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқ. Айниқса, иқтисодий ривожланган мамлакатларга экспортни кучайтириш лозим.

Эндиликда, вилоят экспортини ошириш учун ҳозирда нисбатан кам самарали бўлса ҳам, лекин истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Импорт маҳсулотлари таркибий тузилишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда вилоят импортида машина ва асбоб-ускуналар асосий ўрин тутади. Шуни назарда тутган ҳолда вилоят туманларида ҳудуднинг географик шароити (хом ашё, меҳнат ресурслари ва бошқ.)дан келиб чиқиб турли саноат корхоналарини кўпайтириб бориш ва шу орқали аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириб боришга эришиш лозим.

Вилоят иқтисодиётининг келгусидаги тараққиёти ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Вилоят ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга доир қуйидаги хулосаларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

– вилоятда янги қўшма корхоналар ташкил этишда ҳар бир ҳудуднинг табиий шароити, хом ашё ресурслари, қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг шу ҳудудга хос хусусияти, меҳнат ресурслари, истеъмол бозори ҳамда ташқи экспортни эътиборга олиш;

– экспорт маҳсулотлари сифатига эътиборни кучайтириш, рақобатбардош, жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт географиясини кенгайтириб бориш;

– меҳнат ресурсларига бой Андижон вилояти шароитида қўшма корхоналарни кўпайтириш ва шу орқали аҳолининг иш билан таъминланиш даражасини оширишга, аҳоли даромадлари ортиши ва турмуш тарзини яхшиланшида янада юқори суръатга эришиш зарур.

**Адабиётлар:**

1. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2009
2. Андижон вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари
3. Андижон вилоят ҳокимлиги Ташқи иқтисодий алоқалар бош бошқармаси маълумотлари.
4. Рўзиев А., Абирқулов А. Ўзбекистон иқтисодий географияси. –Т.; Ўзбекистон, 2001.
5. Солиев А., Мамадалиев Р. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари. –Т.: 1995.
6. www.andijon.uz.
7. www.tiv.uz.

*Андижон давлат университети*
*2011 йил 24 декабрда қабул қилинган*
*(Тақризчи: доц. Р.Қодиров)*